2012 йил 6 ноябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (12.280)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2012 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларининг амалга оширилиши жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг барқарор суръатини ва иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичлари мувозанатини таъминлади.

### I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,2 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларининг сақланиши мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Бу инфляция даражасининг пастлиги, давлат бюджети профицити ва мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдосида ўз ифодасини топмоқда.

Саноатни янада ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7,2 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ҳажмини 7,5 фоизга ошириш имконини берди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида самарадорликни ошириш ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг 7,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, инфратузилма объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши капитал қўйилмалар ва қурилиш ишлари ҳажмини 9,8 фоизга ошириш имконини берди.

Аҳоли жами даромадининг 24,6 фоизга ошишини таъминлаган ва ички талабни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар чакана савдо ҳажмини 12,6 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 13,8 фоиз кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

**2012 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**
*(2011 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 108,2 |
| Саноат маҳсулотлари | 107,2 |
| Истеъмол товарлари | 107,5 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | 107,1 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 109,8 |
| Қурилиш ишлари ҳажми | 109,8 |
| Чакана савдо айланмаси | 112,6 |
| Хизматлар | 113,8 |

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

## ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИМОТЛАР, САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР ВА ФОЙДАЛИ КЕЛИШУВЛАР

***Пойтахтимизда «Ипак йўлидаги туризм» ўн саккизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси якунланди. Анжуманда Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Испания, Россия, Таиланд, Франция, Хитой, Чехия, Словения, Швейцария, Вьетнам, Туркия, Туркманистон, Ҳиндистон каби ўнлаб мамлакатлардан етти юздан ортиқ фирма ва компания вакиллари иштирок этди.***



Бу галги халқаро форум иштирокчилар сони ва намойиш этилган лойиҳаларнинг кўплиги, сайёҳлик соҳасининг янги йўналишлари намойиши жиҳатидан алоҳида ажралиб турди.

«Ўзбекистон миллий павильони»да мамлакатимиз барча ҳудудининг сайёҳлик салоҳияти, сайёҳлик фирма ва компанияларининг стендлари кенг намойиш этилди.

– Сирдарё вилоятида экотуризмни ривожлантириш бўйича жуда қулай имкониятлар мавжуд, – дейди «Сирдарётуризм» масъулияти чекланган жамияти бош директори Хайрулла Жўраев. – Ташқи ва ички туризмни тараққий эттириш мақсадида дарё бўйларида дам олиш масканларини ташкил этиш йўлга қўйилган. Бу ерда сайёҳлар балиқ овлаш, сув устида саёҳат, овчилик каби қизиқарли машғулотлар билан шуғулланишлари мумкин. Вилоятимизга Хитой, Малайзия, Япония каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Ҳудудга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида тарихий обидалар, музейлар, қадимий тепаликлар қайта тикланмоқда. Тадбир давомида қирқдан зиёд хорижий сайёҳлик компаниялари ва мамлакатимизнинг юзга яқин сайёҳлик агентликлари билан шартномалар имзоладик.

– Ярмарка ғоят самарали бўлди, – дейди «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Наманган вилояти сайёҳлик ва экскурсия бюроси директори Ҳошимжон Ғайбуллаев. – Йигирма бешта хорижий сайёҳлик компаниялари ва қирққа яқин маҳаллий туроператорлар билан шартномалар имзолашга муваффақ бўлдик. Вилоятимизда «Гулшан», «Чортоқ», «Косонсой» каби кўплаб соғломлаштириш марказлари мавжуд. Бу тиббиёт туризмини изчил ривожлантириш имконини бермоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан бу ерга даволаниш истагида келаётганлар сони кўпаймоқда. Сайёҳликни тараққий эттириш табиий ва маданий меросни асраш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

Халқаро ярмарка доирасида минтақавий туризмнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган форум бўлиб ўтди.

– Ўзбекистонда сайёҳлик тез суръатларда ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, – дейди Индонезия сайёҳлик вазирлиги вакили Виллиам Калуа. – Буюк Ипак йўли марказида жойлашган мамлакатингизда сайёҳликни тараққий эттириш борасида жуда катта имкониятлар мавжуд. Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, бой маданиятингиз билан танишишга қизиқувчи индонезияликлар кўп. Шу боис Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида сайёҳлар алмашинувини янада фаоллаштириш икки мамлакат учун ҳам фойдалидир. Ярмаркада Самарқанд ва Тошкентдаги сайёҳлик фирма ва компаниялари билан икки томон учун ҳам фойдали қатор шартномалар имзоладик.

«Миллий таомлар фестивали», «Шарқ бозори» экспозицияларида иштирокчилар ўзбек миллий таомлари ва пазандалигимиз ҳақида кенг маълумотга эга бўлдилар. «Ҳунармандлар шаҳри» бўлимида моҳир усталар томонидан яратилган миллий ҳунармандлик буюмлари билан танишдилар.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши, энг яхши компания ва меҳмонхона, энг яхши стенд сингари йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми бошланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳаракат масъул ходимлари, ҳудудлардан сараланган юз нафардан зиёд бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этмоқда.**

● **Гулистон шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 214 корхона ва ташкилот, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар 2600 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.**

● **Бухоро вилояти мусиқали ва драма театрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда Бухоро шаҳридаги Абдулҳолиқ Ғиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ деб топилди.**

● **Навоий шаҳрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танлов якунида Қизилтепа туманидаги «Ванғози», Навоий шаҳридаги «Бунёдкор», Нурота туманидаги «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғинлари танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

### ЖАҲОНДА

● **Германияда дунёда биринчи марта хотин-қизлар тарихига оид музей очилди. Бонн шаҳрида ташкил этилган мазкур янги музей «Хотин-қизлар тарихи уйи» номини олди. У дунё аёлларининг жамиятда қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу музейда узоқ ўтмишдан ҳозирги даврга қадар хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишида тутган ўрни ранг-баранг экспозицияларда акс эттирилган.**

● **Нидерландияда велосипедлар ҳаракати учун алоҳида йўллар қурилиши бошланди. Махсус қоришма билан қопланадиган бундай йўллар қишнинг изғирин кунларида ҳам музламайди. Бу ёғингарчилик вақтида ҳам ҳеч қандай хавотирсиз велосипеддан фойдаланиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатнинг Зютфен ва Утрехт шаҳарларида қуриладиган мазкур янги йўллар ноқулай об-ҳаво шароитида велотранспортдан фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган ҳалокатларни камайтиришга хизмат қилади.**

● **Чехиянинг Прага шаҳридаги мактабларда бошланғич синф ўқувчиларига бепул мева тарқатиш йўлга қўйилди. Энди болакайлар тушлик вақтида истаганча мева ва сабзавот маҳсулотларидан истеъмол қилиши мумкин. Мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган «Мактабларга сархил мева» лойиҳасига кўра, тўқсон икки фоиз бошланғич синф ўқувчиси бундай мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминланади. Шифокорларнинг сўзларига кўра, олти ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар мева ва сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиши зарур. Бу уларнинг ақлий фаолияти ривожланишига ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишига ёрдам беради.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мажлис жараёнида ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширишга, мамлакатимизда сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайловолди ташвиқотини ўтказиш пайтида депутатликка номзодларга ва сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга, шунингдек, депутатлар сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси атрофлича муҳокамадан сўнг мазкур қонунни қабул қилди. Қонун бундан кейинги кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи айрим қонун ҳужжатларини «Рақобат тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Тузатишлар «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Фуқаролик кодексларининг, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларига киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонунга мувофиқ тайёрланган. Депутатлар фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши оилавий корхоналарнинг барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароитни таъминлайди ҳамда оилавий корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш учун пухта қонунчилик базасини яратади.

(Давоми 2-бетда)

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Хабар қилинганидек, жорий йилнинг 25 ноябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 17-Мингўрик (Мирobод), 33-Тараққиёт ва 37-Қурувчилар (Ҳамза), 52-Уста Ширин (Юнусобод), 60-Ракат (Яккасарой тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шунингдек шаҳар сайлов комиссиясининг ушбу сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тузилган тегишли округ сайлов комиссиялари ўз ваколатига киришди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳар кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларга сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21,44 – моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси.

Шаҳар комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.






***Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оилада жамият ва давлат бошқарувидаги ролини кучайтириш, Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Низомига мувофиқ бошланғич, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари тизимида ўтказиладиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференцияларини юқори савияда ўтказиш борасида чора-тадбирлар белгилаб олинган эди. Шу муносабат билан туманларда Хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг ҳисобот сайлов конференциялари ўз ишини бошлади.***

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Яқинда Турин Политехника университетида, Олмазор туман хотин-қизлар қўмитасининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда 354 та бошланғич хотин-қизлар қўмиталарида ўтказилган ҳисобот сайловларида сайланган делегатлар, маҳалла бошланғич хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, Давлат мукофоти совриндорлари, тадбиркор аёллар, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб: Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш, соғлиғини муҳофаза қилиш устувор вазифа эканлигини, соғлом оилани шакллантириш, оила спортини ривожлантириш, аёллар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш, «Ораста қизлар» клубини янада шакллантириш, ёш истеъдодли қизларимизни рағбатлантириб бориш, миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш борасида ҳам дастуруламал ишларни йўлга қўйиш, жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб масалаларнинг бири эканлиги таъкидланди.

Олмазор туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова хотин-қизлар қўмитасининг олти йиллик фаолияти давомида барча йўналишларда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолияти, қизларни ҳаётга тайёрлаш, тиббий маданиятини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялашда олиб борилган кенг қамровли ишлар хусусида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Шунингдек назорат тафтиш комиссияси аъзоси З.Турсунованинг ҳисоботи тингланди. Олмазор туман ҳокими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, «Ачабод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси раиси ва бошқалар, Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари ва туман миқёсидаги қилинган ишлари юзасидан маъруза қилдилар.

Бугунги кунда Олмазор туманида 168 минг нафар хотин-қизлар истиқомат қилади. Хотин-қизлар қўмитасининг 354 бошланғич ташкилоти томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Туман хотин-қизлар қўмитаси «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида барча жабҳаларда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, 14254 та иш ўринлари яратилиб, 12983 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида, 1704 нафар аёлларга 168 млрд.963 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойида 85578 нафар туғиш ёшдаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди, эрта никоҳ ва эрта туғруқ ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ўқув муассасаларида «Ёш оила қурувчилар мактаби» ташкил қилинди. Шунингдек «Ота-оналар университети», «Ораста қизлар» тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди.

Конференцияда «Хотин-қизларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнлардаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган «Ҳаракат дастури» лойиҳаси муҳокама этилиб, аниқ таклифлар билдирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й № 361-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳар, 3-даҳа, 1-уй, 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 62 283 573 сўм. 2. 14.11.2011 й № 13129-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳар, Аббосова кўчасида жойлашган «Цемент омборхонаси ва уни ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони». Бошланғич баҳоси 109 011 836 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 19 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002. МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Москвич, д/р 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 694 154 сўм. 2. 14.07.2011 й. № 7662-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз-2109, д/р 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 3 432 060 сўм. 3. 27.08.2012 й. № 8561-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и/ч. Opel Omega, д/р 14 997 600. Бошланғич баҳоси – 14 997 600 сўм. 4. 16.08.2012 й. № 8520-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. Уаз-96201, д/р 12 D 3994. Бошланғич баҳоси – 1 272 941 сўм. Автотранспорт воситалари «Бекободсавдо» МЧЖда сақланмоқда. Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 5. 2000 й. и/ч. Нексия Сонс, д/р 11 AK 579. Бошланғич баҳоси – 14 044 500 сўм. Миробод тумани СИБ томонидан 6. 27.07.2011 й. № 13111/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. Ласетти, д/р 01 B 797 DA. Бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм. «Нумизматика» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 19 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Бектемир тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 7. 10.02.2011 й. № 1-79-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и/ч. Ваз-2101, д/р 01 G 971 AA. Бошланғич баҳоси – 1 152 584 сўм. 8. 24.08.2012 й. № 1-555-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. Ваз-21063, д/р 01 Z 360 DA. Бошланғич баҳоси – 4 697 424 сўм. 9. 24.07.2012 й. № 1-377-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз-21093, д/р 01 R 809 FA. Бошланғич баҳоси – 7 400 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 4 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 4 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 19 декабрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 8 ноябрдаги 1017/15521(27.1)-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳаси, 1-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 63 кв.м бўлган, 1980 йилда қурилган икки қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 28 004 400 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 23 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 21 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001


Учтепа тумани «Маҳалла» хайрия жамоат фонди жамоаси Учтепа тумани «Хондамир» маҳалла фуқаролар йиғини раис

**Шоҳида Қўчқоровна БАДАЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Яккасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 7 августдаги 10-1109/5036-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта-Қаъни кўчаси, 18 -уйда жойлашган, «Мадад» акционерлик жамияти суғурта агентлигига тегишли, умумий майдони 4725,0 м.кв. бўлган 9 қаватли, ертўлали, собиқ 240 ўринли ётоқхона ва қаҳвахона бинолар савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 2 717 328 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 26 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖ-нинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.*

*Лицензия: № RR-0017.*

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 15 октябрь кунги 205-сонида эълон қилинган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 26-мавзеси, 27-уй, 43-хонадоннинг 2012 йил 14 ноябрь кунги аукцион савдоси Чилонзор суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 30 октябрь кунги 29505/11-сонли хатига асосан тўхтатилди.

*«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.*

*Лицензия: № RR-0017.*

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.**

**Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**


## Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**2012 йил 6 декабрь** **соат 10.00 да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|
| 1. | 7И | "Дўмбиробод мавзеси – Ал Хоразмий мавзеси" | Микроавтобус |
| 2. | 28М | "ТТЗ АШБ – Олой бозори бекати" | Микроавтобус |
| 3. | 31М | "Қорасув 1-мавзеси АШБ – Буюк Ипак йўли метро бекати" | Микроавтобус |
| 4. | 44М | "Белтепа мавзеси – Чорсу савдо маркази АШБ" | Микроавтобус |
| 5. | 51М | "Тузел мавзеси – Юнусобод 19-даҳаси АШБ" | Микроавтобус |
| 6. | 52М | "Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ" | Микроавтобус |
| 7. | 65М | "Авиасозлар АШБ – Сергели улгуржи бозори" | Микроавтобус |
| 8. | 80М | "Зенит заводи бекати – М.Юсуф кўчаси АШБ" | Микроавтобус |
| 9. | 96М | "Чуқурсой темир йўл станцияси бекати – Чорсу савдо маркази АШБ" | Микроавтобус |
| 10. | 124М | "Ўрикзор мавзеси АШБ – Консерватория бекати" | Микроавтобус |
| 11. | 134М | "2-Трамвай ДЕПОси бекати – Юнусобод 19-даҳаси АШБ | Микроавтобус |
| 12. | 165М | "Чорсу савдо маркази АШБ – Гулистон маҳалласи" | Микроавтобус |
| 13. | 184М | "Консерватория бекати – 5-шаҳар болалар юқумли касалликлари шифохонаси бекати" | Микроавтобус |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | 26А | "Янгиобод мавзеси АШБ – 17-шаҳар шифохонаси" | Автобус |
| 2. | 83А | "Юнусобод 6-даҳаси бекати – Экскаватор заводи бекати" | Автобус |
| 3. | 96А | "Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Истиқлол кўчаси бекати" | Автобус |
| 4. | 106А | "Тузел қўрғони – Аэропорт" | Автобус |
| 5. | 119А | "Чилонзор 20-даҳаси – РЭТ заводи бекати" | Автобус |
| 6. | 124А | "Қўйлиқ М1 АШБ – Дўстлик жамоа хўжалиги" | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK"даги 20210000504197971001 ҳ/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 1700да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

***Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёшларнинг етук кадр бўлиб етишиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини бермоқда. Биргина Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини олиб қарайдиган бўлсак, мазкур олий ўқув юрти сўнгги йилларда катта ютуқларга эришиб келмоқда.***

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тақдимот маросими ҳам айнан университет фаолиятига бағишланди. Университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари иштирокида ўтган тадбирда университет ўқув ишлари бўйича проректор Баҳодир Шоёқимов ҳамда илмий ишлар бўйича проректор Ҳожиакбар Тўйчиевлар чиқиш қилиб, мазкур билим масканидаги ўқув жараёни, илмий тадқиқот, ўқув-услубий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда, шунингдек, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беришди.

Ҳозирги кунда университетда 44 та таълим йўналиши ва 63 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Таълим жараёнида 976 та профессор-ўқитувчилар, шу жумладан 184 та профессор, 476 та доцент, 316 та ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Агар профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти 2008 йилда 58 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 68 фоизга етди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифалар доирасида фан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясини таъминлаш мақсадида университет олимлари томонидан бажарилаётган лойиҳалар ва хўжалик шартномаларида талабаларни кенг жалб қилиш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда 106 та лойиҳа ва хўжалик шартномаларини бажаришда 322 нафар талаба иштирок этмоқда. Бундан ташқари, охирги уч йил мобайнида университетда 40 та фундаментал, 24 та амалий, 10 та инновацион ва 7 нафар ёш олимлар илмий-техник дастури лойиҳалари ҳамда 20 та хўжалик шартномалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Сўнгги ўн йил ичида халқаро лойиҳалар доирасида юзга яқин профессор-ўқитувчилар, аспирант ва докторантлар Германия, Швеция, Швецария, ХХР, Голландия, Ҳиндистон, Финляндия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Япония каби давлатлардаги нуфузли илмий даргоҳларда малака ошириб қайтган.

Ана шундай етук ўқитувчи-мураббийлар қўлида таҳсил олаётган ёшлар ҳам кўплаб ютуқларга эришишмоқда. Охирги 5 йилда талаба ва магистрантлар ичидан 17 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, 13 нафари Алишер Навоий Давлат стипендияси, 10 нафар талаба Мирзо Улуғбек стипендияси ҳамда 4 нафар талаба Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Тадбир мутасаддилари университетда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, эълон қилинаётган грантлар, шунингдек, республикамиз ҳудудларининг эҳтиёжлари асосида кадрларни мақсадли тайёрлаш юзасидан қилинаётган ишларни слайдлар ёрдамида намойиш этишди. Йиғилиш иштирокчилари мавзу бўйича саволларга батафсил жавоб олишди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

***Пойтахтимизнинг «Равшан» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «ДОТС» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан сил касаллигини олдини олишга қаратилган «Биз ёшлар соғлом турмуш тарафдоримиз» мавзуидаги ёш тренерлар гуруҳи аъзолари учун биринчи ўқув машғулотлари ташкил этилди.***

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ

Ўқув машғулотларига Чилонзор туманидаги Тошкент педагогика, Республика ва Чилонзор тиббиёт ҳамда Ю. Ражабий номидаги педагогика коллежларида фаолият олиб бораётган Кенгашнинг етакчи қизлари «Ташаббус лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш» бўлими етакчиларидан жами 33 нафар ёшлар саралаб олинди ва ўқув машғулотларида иштирок этишди.

Лойиҳага жалб қилинган ўқувчилар «Камолот» ЁИҲ ҳамда «ДОТС» маркази томонидан ташкил этилган ўқув семинарда иштирок этиб, биринчи ва иккинчи даражали тренерлар мақомига эга бўлишди.

— Лойиҳа доирасида ҳамкор ташкилотлар томонидан имзоланиб, берилган дастур асосида жойларда семинар-тренинглар ҳамда умумий доирада акциялар ташкил этилди, — дейди Чилонзор туман «Камалак» Болалар ташкилоти раиси Беҳзод Каримов. — Ўқув семинарлари якунидан сўнг тренерлар гуруҳи тасдиқланган режа асосида туманда жойлашган 33 та умумтаълим мактаблари, 16 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва 49 та маҳаллаларда ёшлар иштирокида сил касаллиги, гиёҳвандлик ва ОИТС касалликларининг олдини олиш чоралари бўйича семинар-тренинглар ўтишди. 2012-2013 ўқув йилида ташкил этиладиган семинарларда Чилонзор туманида истиқомат қилувчи ёшларнинг 15 минг нафари қамраб олиниши режалаштирилган.

— Лойиҳада фаолият олиб бораётган тренерлар учун лойиҳанинг биринчи босқичида ёшларга ўз устида ишлаб янгилик кашф этиши учун уч ойлик синов муддати берилади, — дейди ҳаракатнинг Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов. — Кўрсаткичи юқори бўлган тренерлар «Камолот» ЁИҲ ҳамда «ДОТС» маркази томонидан ташкил қилинган «Сил касаллиги ва маларияга қарши курашиш» мавзусида ташкил қилинадиган тренерларнинг иккинчи қишги ўқув семинарида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

— Чилонзор туманининг «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган семинаролди машғулотларида ўз имкониятимни синовдан ўтказдим, — дейди семинар иштирокчиси I Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Раъно Анварова. — Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтиб, икки кунлик тренерлар тайёрлаш ўқув-машғулотларида иштирок этдим. Эндиликда ўзим ўрганганларимни бошқа тенгдошларимга улашишимдан фахрланаман. «ДОТС» марказининг малакали мутахассислари сил касаллигининг келиб чиқиш тарихи ва касаллик билан чалинган инсонларга кўрсатиладиган ёрдам турлари ҳамда даволаш босқичлари тўғрисида семинар иштирокчиларига батафсил маълумотлар слайд ва савол-жавоб тариқасида тушунтириб бердилар. Шунингдек, семинар давомида иштирокчилар билимларини синовдан ўтказиш мақсадида, мавзу юзасидан тест синовлари, диагностик сўровлар ҳам ташкил этилиб, машғулотларда фаол иштирок этган ўқувчи-ёшларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

**Спорт янгиликлари**

## ҲАКАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

***Айни кунларда Бирлашган Араб Амирликлари давлати футбол бўйича ёшлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатига мезбонлик қилмоқда.***

Шуниси қувонарлики, 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ташкиллаштирилган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртларимиз, ФИФА рефериларИ, қитъамизнинг энг яхши ҳаками Равшан Эрматов ҳамда Жаҳонгир Саидов учрашувларга ҳакамлик қилиш учун таклиф этилган.



Рустам ШАҒАЕВ (УзА) олган суратлар

***Амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» жамоаси футболчилари Осиё чемпионлар лигаси турнири доирасидан ўрин эгаллаган ярим финал баҳсларида омадларини синаб кўрганлари барчага маълум.***

## КЕЧИКТИРИЛГАН ЎЙИН ЎТКАЗИЛАДИ

Ана шу муҳим учрашувлар сабаб мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги 24-турдан ўрин олган «Шўртан» — «Бунёдкор» ўйини кечиктирилган эди.

Турнинг марказий баҳсларидан бири ҳисобланган ушбу беллашув Ғузорда бугун 6 ноябрь куни ўтказиладиган бўлди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, ушбу учрашувда ғалаба ҳар икки жамоа учун сув ва ҳаводек зарур. Агар ўйинда тошкентликлар ғалаба қозонса чемпионлик учун курашни давом эттиришади, мағлубиятга учрашса, мезбонлар муқим уч очкога эга бўлган ҳолда совринли ўринлар учун курашиш имкониятига эга бўлишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ўрганиб қолган ишни тарк этиш қийин.**

* * *

**Ёмон нуқул бошқалардан яхшилик кутади.**

* * *

**Ўзини ҳурмат қилмаган бошқани ҳам ҳурмат қилмайди.**

* * *

**Айтганинг бўлавермаса, ҳафсаланг пир бўлади.**

* * *

**Яхшиликни биладиганлардан билмайдиганлар кўп.**

* * *

**Оқибати бўлмаса, қариндошинг кўплигидан нима фойда?**

* * *

**Оқил кенгашади, жоҳил билганидан қолмайди.**

* * *

**Одам қанча нодон бўлса, шунча ўжар бўлади.**

* * *

**Биз ота-оналардан меъёридан ортиқ нарсани талаб қиламиз.**

* * *

**Бизга боғлиқ бўлмагандай туюлган иш аслида бошқаларга боғлиқ бўлади. Сабабини атрофдан изланг, ташқаридан эмас.**

* * *

**Отадан ўтади – болага етади.**

* * *

**Яхши меҳмон мезбоннинг имкониятларини ҳисобга олади. Ёмон меҳмон нуқул ўз манфаатини кўзлайди.**

* * *

**Баъзилар имкониятларини ҳисобга олмай ваъда бериб кетаверади.**

* * *

**Одатда ҳеч нарсага ақли етмайдиганлар ўзларини ўта ақлли ҳисоблайдилар.**

* * *

**Кимнинг ақли чегара билмайди, кимнинг аҳмоқлиги.**

* * *

**Бало келаман деса, уни ҳеч қандай куч қайтаролмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, 1-тор Ракатбоши кўчасида жойлашган Д.Бекмуҳаммедовага тегишли бошланғич нархи – 292 542 694 сўм бўлган, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м, умумий ер майдони 325,0 кв.м дан иборат икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 16 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: №0039

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига «AGROBANK» ОАТБнинг қуйидаги корхона устав фондидаги банк улуши қўйилмоқда:

| № | Аукционга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш | Закалат миқдори | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «PREMIUM LEATHER» МЧЖдаги улуш | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Абу Толиб Қўқондий кўчаси | 100 фоиз | 1 фоиз | 24 546 412 000 сўм |

**Аукцион савдоси 2012 йил 5 декабрь куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 3 декабрь куни соат 18:00.

Юқоридаги улуш 2012 йил 5 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 12 ва 19 декабрь кунлари соат 12:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 12 декабрдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 10 декабрь куни соат 18:00; 19 декабрдаги савдолар учун 17 декабрь куни соат 18:00.

**Савдо ғолиби савдо натижаларига кўра 15 фоиз тўловни 30 банк куни давомида тўлаш ҳамда тўловнинг қолган 85 фоиз қисмини 7 йилдан ошмаган муддатда сотувчи билан келишилган график асосида тўлаш мажбурияти юклатилади.**

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиши шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулни «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига «O'ZSANOATQURILISHBANK» ОАТБнинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

| № | Аукционга қўйилган объект | Асосий фаолият йўналиши | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш | Закалат миқдори | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "XAZORASP TA'MIR QURILISH" МЧЖдаги улуш | Темир бетон ишлаб чиқариш | Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси | 95,4 фоиз | 1 фоиз | 709 000 000 сўм |
| 2 | "MEGA-BETON" МЧЖдаги улуш | Темир бетон ишлаб чиқариш | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1а-уй | 74,2 фоиз | 1 фоиз | 654 000 000 сўм |

**Аукцион савдоси 2012 йил 7 декабрь куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 декабрь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида улушнинг тўлиқ қийматини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулни «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида 7 **ноябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража илиқ, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 **ноябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4864 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5